



Газета 1966 йил
1 июлдан
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 49 (12.610)

Баҳоси эркин нарҳда



«Ташаббус – 2014»

ХИЗМАТ ВА МАҲСУЛОТЛАР СИФАТИ ОШМОҚДА

Юнусобод туманида Президент соврини учун ўтказилаётган «Ташаббус-2014» кўрик-танловининг туман босқичи бўлиб ўтди.

Мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик иқтисодий-ишчилик ривожланишининг асосий омилли бўлиб, аҳоли турмуш фаровонлигини оширишда етакчи кунга айланган. Ҳозирги кунда мамлакатимизда кўп сонли кичик бизнес субъектлари билан бир қаторда миллий хунармандчиликнинг ҳам ривожланиши бораётган. Усталар томонидан тайёрланаётган санъат асарлари қадимий ва миллий анъаналаримизни ўзида мужассам этмоқда.

Танловда ҳар йилгидек юқори кўрсаткичларга эришган, янги иш ўринларини ташкил қилишда фаоллик кўрсатган, ишлаб чиқарилаётган маҳсулот ҳажмини янада кўпайтиришга эришган ҳамда барча солиқлар ва мажбурий тўловларни ўз вақтида тўлаган тадбиркорлар ва хунармандлар ўзларининг маҳсулотлари ва ижодий ишлари ҳамда иштирок этишди.

Мазкур тадбир хунарманд ва тадбиркорларнинг ўзига хос катта анжумани ҳисобланади. Танловда улар етакчи ўринни эгаллаш учун рақобат қилиш билан бирга ишлаб чиқариш ва хунармандчиликда эришилган ютуқлар борасида ўзаро фикр алмашдилар.

Ушбу кўрик-танловда 2005 йилдан буён иштирок этиб келаман, – дейди «Йилнинг энг яхши хунарманд» номинациясида иккинчи ўринни қўлга киритган Шерзод Ҳақимов. – Давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан ташкил этилган танлов ишлаб чиқариш ва хунармандчилигимиз ривожини йўлида муҳим аҳамият касб

этади. «Йилнинг энг яхши ёш тадбиркори», «Йилнинг энг яхши ёш хунарманди» номинацияларида ёшларнинг рағбатлантирилиши ўсиб келаётган авлоднинг бу соҳаларга бўлган қизиқишини янада орттирмоқда.

Ҳакамлар ҳайъатининг ҳисоб-китобларида кўра «Йилнинг энг яхши тадбиркори» номинациясида «Ибрагимов Хусан Носирович» хусусий корхонаси ғолиб деб топилди. «Йилнинг энг яхши хунарманди» номига қўлқўчилиқ йўналишида иш олиб бораётган Дилфуза Эсоналиева эга бўлди. Биринчилиқни қўлга киритган ушбу тадбиркор ва хунарманд танловнинг шаҳар босқичида қатнашиш ҳуқуқини қўлга киритди.

Кўргазмага назар ташласангиз танловнинг ўтган йилгиларидан фарқини сезасиз, – дейди Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси Тошкент шаҳар ҳудудий бошқармасининг Юнусобод тумани ахборот-маслаҳат маркази раҳбари Дилбар Зайнутдинова. – Тадбиркор ва хунармандларимиз томонидан тақдим этилаётган маҳсулотларнинг сифати жуда юқори. Шунингдек, иштирокчилар сафи ҳам тобора кенгайиб бораётган. Ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар ва кўрсатилаётган хизматларнинг рақобатбардошлиги замон талаблари асосида ташкил этилаётгани танлов нуфузини юксалтирмоқда.

Тадбирда яна бир қатор номинациялар бўйича энг яхши деб топилган иштирокчиларга танлов ташкилотчилари томонидан диплом ва эсдалик совғалари топширилди.

Абдуалим САЛИМОВ

Олий Мажлис Қонунчилик палатасида

ДОЛЗАРБ ҚОНУН ЛОЙИҲАЛАРИ КЎРИБ ЧИҚИЛДИ

11 март кунини Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди.

Қонунчилик палатаси Кенгаши томонидан таклиф этилган кун тартиби тасдиқланганидан кейин депутатлар Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясини амалга ошириш мақсадида ишлаб чиқилган «Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида»ги қонун лойиҳасини кўриб чиқдилар.

Қонун лойиҳасини муҳокама қилиш чоғида шу нарса таъкидландики, мазкур ҳужжат фуқароларнинг ахборотга бўлган конституций ҳуқуқларини амалга оширишга қаратилган, унда давлат ҳокимияти ва бошқаруви орган-

ларининг фаолияти тўғрисида жамоатчиликни хабардор қилиш тартиб-таомиллари белгилаб қўйилган, давлат органлари фаолиятининг, мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотлар сиёсатининг, давлатимиз ташқи ва ички сиёсатининг шаффофлигини, очиқлигини, сиёсий плюрализмни, мамлакатимизда ва ундан ташқарида рўй бераётган ҳодисалар ҳақидаги фикрлар хилма-хиллигини ҳисобга олган ҳолда таъминлаш масалалари назарда тутилган.

Қонун лойиҳасида жисмоний ва юридик шахсларнинг ахборотдан фойдаланишини таъминлашга, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг ҳамда улар ман-

лини ривожлантириш, касб-хунар коллежлари битирувчиларига тадбиркорлик фаолиятини олиб боришда ҳамда тадбиркор аёлларни қўллаб-қувватлашда банк тизимининг ўрни» мавзусида матбуот анжумани бўлиб ўтади.

«ЭРТАГА» пойтахтимизда «Соғлом бола йили» Давлат дастури доирасида оилавий тадбиркор-

ФРЕДЕРИК БРЕССАН:

«НАВРЎЗ – ЯНГИЛАНИШ, ЯШАРИШ ВА ЭЗГУЛИК ТАНТАНАСИ»

Тобора яқинлашиб келаётган баҳор байрами, халқимизнинг суюкли ва ардоқли айми – Наврўзи олам муносабати билан Франциядаги Темурийлар тарихи ва санъатини ўрганиш ассоциациясининг президенти Фредерик Брессан «Жаҳон» ахборот агентлиги мухбири билан бўлиб ўтган суҳбат чоғида ўзининг қуйидаги санимий табрикларини изҳор этди:



— Энг аввало, Ўзбекистоннинг барча аҳолисини ушбу баҳор байрами билан қўлаб, уларга мустақам сийҳат-саломатлик, фаровонлик ҳамда мамлакатимизда соғлом ва баркамол ривожланган авлоднинг тарбиясига улкан эътибор қаратилаётганини яхши биламиз. Таълим-тарбиянинг сифати, ўзбек ўғлонлари ва қизларининг билимдонлиги ҳамда ўткир эҳқилиғи мени мафтун қилган. Яқиндагина Франциянинг Баньош шаҳрида бўлиб ўтган симли мусиқа асослари халқаро танловида ўзбекистонлик ёш скрипка ва виолончель созанда-ри ўз чиқишлари билан мутахассис ҳамда мухлисларни чексиз ҳайратда қолдиришди. Шундай истеъдодли, билимли, баркамол авлодни тарбиялаётган Ўзбекистон ўзининг буюк келажагига ишонч билан қарашга ҳақлидир.

Бундан кейин ҳам Темурийлар тарихи ва санъатини ўрганиш ассоциациясининг президенти сифатида мамлакатларимиз ўртасидаги икки томонлама маданий-гуманитар муносабатларни ривожлантириш ҳамда мустақамлашга, ўзбек халқининг бой меросини, маданияти ва санъатини Францияда, шунингдек, Европанинг бошқа мамлакатларида оммавийлаштиришга қўмаклашиш истагидаман.

Наврўз байрами муносабати билан ўзбек халқини яна бир бор қўлайман, соғлиқ-саломатлик, хушвақтлик, тинчлик-хотиржамлик, фаровонлик, барқарорлик ва изчил тараққиёт тилайман.

Наврўз байрами муносабати билан ўзбек халқини яна бир бор қўлайман, соғлиқ-саломатлик, хушвақтлик, тинчлик-хотиржамлик, фаровонлик, барқарорлик ва изчил тараққиёт тилайман.

Жорий йил Ўзбекистонда «Соғлом бола йили» деб

«Жаҳон» АА
Париж



МАМЛАКАТИМИЗДА

• Ўзбекистон Республикаси Президенти соврини учун «Ташаббус – 2014» кўрик-танловининг Қашқадарё вилояти босқичи бўлиб ўтди. Унда шаҳар ва туман босқичларида ғолиб бўлган қирқдан зиёд тадбиркор, фермер ва хунарманд иштирок этди.

• Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзолари, маҳаллий кенгаш депутатлари, сиёсий партияларнинг раҳбарлари, давлат, жамоат ва нодавлат нотижорат ташкилотлари, ҳуқуқ-тартибот идоралари вакиллари ҳамда оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирокида Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти Бухоро вилояти ҳудудий бўлимининг «Фуқаролик жамияти институтлари ривожланишининг асосий кўрсаткичлари: Бухоро вилояти мисолида» мавзусида ҳисобот конференцияси бўлиб ўтди.

• Сирдарё вилоятида фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ходимларининг малакасини оширишга қаратилган ўқув курси ташкил этилди. Ўқув курсида ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини янада такомиллаштириш юзасидан амалга оширилаётган ишлар, қабул қилинган қонун ва бошқа ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатларнинг аҳамияти ҳақида маърузалар тингланмоқда.

• Самарқанд шаҳридаги «Ватанпарвар» маҳалласида бўш иш ўринлари меҳнат ярмаркаси ўтказилди. Самарқанд ҳарбий прокуратураси, шаҳар ҳокимлиги ҳамда бандликка қўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш маркази ҳамкорликда ташкил этган тадбирда мазкур маҳаллада истикомат қилувчи ҳарбийларнинг оила аъзолари бандлигини таъминлашга алоҳида эътибор қаратилди. Шаҳардаги етмишдан ортиқ корхона, ташкилот ва муассасалар ўзларида мавжуд 1 минг 100 дан ортиқ бўш иш ўрини таклиф этишди.

ЖАҲОНДА

• Кеча БМТнинг Женевада жойлашган Европа бўлимида БМТнинг инсон ҳуқуқлари бўйича қўмитасининг 110-сессияси ўз ишини бошлади.

• Малайзиянинг «Malaysia Airlines» авиакомпаниясига қарашли «Boeing-777» йўловчи самолётини қидириш ишлари давом эттирилмоқда. Сўнгги кузатувлар натижаларига кўра, ушбу самолётнинг Малакка бўғозида етиб борганлиги аниқланди. Шу билан бирга, ҳалокатга учраган ҳаво кемасининг ўз йўналишини ўзгартирганлиги тўғрисидаги маълумот ҳам тасдиқланди.

• Россиянинг Воронеж шаҳрида енгил машинани бошқараётган ҳайдовчи йўл чеккасида турган бир гуруҳ одамларни уриб юбориши натижасида беш киши ҳалок бўлди, яна 10 та одам жароҳатланди. Ушбу жиноятни амалга оширган ҳайдовчи машинани ташлаб, тезда кўздан йўқолган. Ҳозирда уни излаш чоралари кўрилган.

• Халқаро футбол федерацияси Бразилияда жорий йилда бўлиб ўтадиган жаҳон чемпионатида мухлислар учун 2,3 миллион дона чипта чиқарди. Чипталарнинг 60 фоизга яқини мезбон мухлислар, қолганлари эса бошқа давлатлар ишқибозларига сотилади. Ҳозиргача 10 миллионга яқин мухлислардан чипта сотиб олиш учун аризалар берилган. Навбатдаги сотув бугун бошланиб, 1 апрелга қадар давом эттирилади.

ҚИСҚА САТРЛАРДА

Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Ахборот хизмати ва ўз мухбирларининг хабарларидан.

✓ **ЎЗБЕКИСТОН** Табиати муҳофаза қилиш давлат қўмитаси томонидан «Тошкент шина тиклаш заво-

ди» масъулияти чекланган жамиятида медиатур ташкил этилди.

✓ **БУГУН** Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги академиясида «Ўзбекистонда ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тизимида-

Яқинда муддатли ҳарбий хизматга чақирилган йигитлар шу кунларда йиғин доирасидаги машғулотларда фаол иштирок этиб, дастлабки ҳарбий билимларни ўзлаштиришга киришишди.

Ватанга хизмат — муқаддас бурч

ЙИҒИН САМАРАЛИ ЎТМОҚДА

Тошкент ҳарбий округи ҳудудда жойлашган ҳарбий қисмлардан биридими. Йиғин бошлаганин ўринбосари, катта лейтенант Акбар Ярмагов ҳамроҳлигида машғулотлар ўтказилаётган жойга йўл олди.

— Хизматга янги чақирилганлар дастлаб бошланғич ҳарбий ва умумқўшин тайёргарлик машғулотларини ўташади, — дейди ҳамроҳим. — Ҳарбийча ҳаёт тарзига кўникмалар ҳосил қилиш ҳам айнан шу палладан бошланади.

Даставвал, янги чақирилган муддатли ҳарбий хизматчиларнинг яшаш жойларини кўздан кечирдим. Бу ердаги шинамлик, қулайликлар эътиборни тортади. Машғулот хоналарининг бирида катта лейтенант Ақтам Эгамназаров раҳбарлигида Умумҳарбий низоомларни ўрганиш бўйича машғулот олиб борилаётган экан. Муаддатли ҳарбий хизматда чақирилган ёшларнинг машғулотта астойдил, тиришқоқлик билан ёндашаётганларидан уларда билим олишга бўлган иштиёқ юқори экани сезилиб турибди.


— Сафимизга қўшилган ўғлонларнинг биринчи кунларданок машғулотларда ташаббус кўрсатиб, янги мавзуларни чуқур ўзлаштиришга ҳаракат қилаётгани таҳсинга сазовор, — дейди катта лейтенант Ақтам Эгамназаров. — Улар билан ўтказилган суҳбатдан сўнг шуни билдимки, бугунги кунда муаддатли ҳарбий хизматга келаётган ёшларда миллий истиқлол ғояларига содиқлик, ватанпарварлик, инсонийлик каби юксак фазилатлар шаклланган. Барчаси коллеж ва академик лицейларда ўқитилган чақирувга қадар бошланғич тайёргарлик фанини чуқур ўргангани боис мавзуларни тез ва осон ўзлаштиришга ярашади. Ҳарбийча ҳаётга

кўникишлари ҳам қийинчиликларсиз кечмоқда. Бу бугунги кун аскарларининг олдиндан ҳам руҳан, ҳам маънан, ҳам жисмонан пухта тайёрланиб, Қуролли Кучларимиз сафларига хизматга отланаётганидан далolat.

Муаддатли ҳарбий хизматга чақирилаётган ёшларнинг бир қатор синовлар, шу жумладан, чуқур тиббий кўриклардан ҳам ўтишлари маълум. Бундан ташқари, ҳарбий хизматда ҳам уларнинг саломатлиги шифокорларнинг доимий назоратида бўлади. Ҳарбий қисмга қилган сафаримиз чоғида шифокорлар томонидан чуқурлаштирилган тиббий кўриклар ўтказилаётганига гувоҳ бўлдик.

— Муаддатли ҳарбий хизматга чақирилган ёшларнинг жисмонан тобланиш жараёнларини назорат қилиш, уларда рўй бераётган физиологик ўзгаришларни диққат билан кузатиш мақсадида йиғин бошланган илк кунларданок ўтказилаётган тиббий кўрик жуда аҳамиятли тadbирлардан ҳисобланади, — дейди тиббий хизмат майори Кахрамон Машарипов. — Чунки ҳарбий хизматда кун тартибига қатъий риоя этилиб, аскарлар кучли, бақувват, иродали бўлишлари учун жисмоний машқлар тобора мураккаблаштирилади. Шу боис йиғитлар кейин ҳам белгиланган муаддатларда тиббий текширув ва шифокорлар кўрикларидан ўтказиб турилади.

Ҳарбий қисмда ўғлонларимизнинг бўш вақтларини мароқли ўтказишлари учун ҳам етарлича шарт-шароитлар муҳайё қилинган. Дам олиш хоналари ёруғ, шинам, зарур



Даврон НУРМАТОВ

анжомлар билан бутланган. Бу ерда йиғитлар хоҳиш-истакларига қараб шахмат-шашка ўйнашлари, газета, журнал ҳамда бадиий китобларни мутлоа қилишлари мумкин. Ҳарбий қисмининг турли адабиёт ва ўқув қўлланмаларга бой кутубхонаси улар ихтиёрида.

— Коллежда чақирувга қадар бошланғич тайёргарлик фанини яхши ўрганганим учун миллий армиямиз ҳақида муайян тасаввурга эга эдим, — дейди фарғоналик Сарварбек Ҳақимов. — Бироқ муаддатли ҳарбий хизматчиларнинг яшаш ва хизмат қилишлари учун бу қадар қулай шарт-шароитлар яратилгани мен учун янгилик бўлди. Менга айниқса, спорт залидаги тренажёрлар кўпроқ маъқул бўлди. Командирларимизнинг ғамхўрлиги ва жонқуярлигини эса доимо ҳис қилиб турибмиз. Буларнинг барчаси учун ҳукуматимиздан миннатдоримиз ва йиғитлик бурчимизни муносиб ўтаб, ғамхўрликларга фидойи хизматларимиз билан жавоб қайтарамиз.

ЭЛЕКТРОН РЕСУРСЛАРДАН УНУМЛИ ФОЙДАЛАНИШ — ДАВР ТАЛАБИ

Ўзбекистон Миллий университетининг журналистика факультетида «Олий таълим муассасалари фаолиятида ZiyuNET таълим лойиҳаларидан фойдаланиш» мавзусида ўқув-семинар бўлиб ўтди.

Анжуман Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги қосидаги «Маънавият ва маърифат» маркази ҳамда ОУМТВ ZiyuNET бўлими ҳамкорлигида ташкил қилинган. Тадбирда журналистика факультетининг профессор-ўқитувчилари ва биринчи, иккинчи босқич талабалари иштирок этди.

Тадбирда Олий журналистика курси раҳбари Б.Алимов ZiyuNET ахборот-таълим порталининг мавжуд имкониятлари тўғрисида маълумот берди. Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳузуридаги ZiyuNET бўлими бошлиғи И. Ерматов эса, ушбу тармоқда мавзулар кенглиги, ахборотни жойлаштириш қулайлиги, шахсий ва жамоавий блог очилиш, юритиш, унда ўзбек, рус, қозоқ ва қорақалпоқ тилларидаги мақолаларни топиш имконияти мавжудлиги ҳусусида фикр юритди.

— Инсоният тасаввури ва тафаккурининг юксак маҳсули бўлиши интернет бугун битмас-туганмас ахборот макони, электрон дўкон, аукцион, кутубхона бўлиш билан бирга, носоглом куч манбаи ҳамдир, — дейди Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги қосидаги ZiyuNET бўлимининг етакчи мутахассиси Лаълихон Каримова.

Гулчехра ДУРДИЕВА

Ўзбекистон Давлат жаҳон тиллари университетидида «Йилнинг энг яхши чет тили ўқитувчиси» кўрик-танлови бўлиб ўтди.

Танловлар

ТАЖРИБАЛАР ОММАЛАШТИРИЛАДИ

Унда олий таълим масканларида талабаларга чет тилидан дарс бераётган ўқитувчилар ҳакамлар хайъати эътиборига тўрт босқичли тест имтиҳонларини топиришди.

Эътиборлиси, чет тили бўйича тест синовларидан муваффақиятли ўтган ва ғолиб бўлган ўқитувчиларнинг иш тажрибалари оммалаштириладиган бўлди.

(Ўз муҳбириимиз)

«КАМОЛОТ» ЁШЛАРИНИНГ ТАҚДИМОТИ

Мана, юртимизга дилларни қувончга тўлдирувчи, қалбдаги нозик туйғуларни ёдга солувчи, инсонни руҳан ва қалбдан ёшартирувчи, фаслларнинг келинчаги бўлмиш баҳор фасли кириб келди. Фасли навбаҳор буюк қадриятларимизни қадрлаб, аъналаримизни улуглаб, хайру саховат, эзгулик ва орзу-ниятларни жамлаб, қутлуғ қадамлариди энг гўзал байрамларни ҳам ўзи билан олиб келади.

Успенский номидаги Республика ихтисослаштирилган музыка академик лицейида, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Тошкент шаҳар Кенгаши томонидан «Сен барибир муқаддассан, муқаддас аёл!» шiori остида байрам концерти ҳамда Кенгаш қосида ташкил этилган «Kamolot-shou» ижодкор ёшлар клубининг тақдирот маросими ўтказилди.

— Мамлакатимизда мустақиллик йилларида аёлга бўлган эҳтиром ва эътибор янада кучайди, — дейди «Камолот» ЁИХ Тошкент шаҳар Кенгаши раиси Элбек Шукуров. — Аёлларимиз жамиятнинг етакчи кучига айланиб, ўзларининг билим ва салоҳиятини Ватан равнақи, эл-юрт фаровонлиги учун сарфламоқдалар. Ана шундай аёллар орасида

навий технологияси эритмаларни ҳар қандай бегона аралашмалардан сақлайди. «Clean Room» (тоза хоналар) илгор технологияси, стериллаш жиҳозлари, ҳавони тозалаш тизими препаратларнинг мутлоқ стериллигини таъминлайди.

Ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг асосий қисмини ижтимоий аҳамиятга эга бўлган ва талаб юқори препаратлар ташкил этади. Булар турли таъсир доирасига эга бўлган антибиотиклар, юрак-қон томир касалликларига мўлжалланган, яллиғланишга қарши дорилар, аналгетик, марказий нерв тизими ҳамда ошқозон-ичак йўли касалликларини даволаш учун дори воситалардир.

Фаррух БАХРОМОВ
Ислом Исмомов олган сурат

ДОЛЗАРБ ҚОНУН ЛОЙИҲАЛАРИ КЎРИБ ЧИҚИЛДИ

(Давоми. Боши 1-бетда)

Шундан кейин депутатлар амалдаги қонун ҳужжатларини янада такомиллаштириш мақсадида ишлаб чиқилган бир қатор қонун лойиҳаларини иккинчи ўқишда кўриб чиқдилар.

Чунончи, «Нотариат тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунига қўшимча ва ўзгартишлар киритиш ҳақида»ги қонун лойиҳаси аҳолига юридик хизмат кўрсатишга даъват этилган нотариат тизимида кадрлар тайёрлаш ва танлаш масалаларини янада такомиллаштиришни назарда тутди.

Таклиф этилган тузатишлар нотариал муассасаларнинг фаолиятини янада яхшилашга, пировард натижада улар томонидан кўрсатилаётган хизматлар сифатини оширишга хизмат қилади.

Қонунчилик палатаси мажлисининг кун тартибига «Ижтимоий шериклик тўғрисида»ги қонун лойиҳаси ҳам киритилди. Бу ҳужжат фуқаролик жамияти институтларини янада ривожлантиришга, ўтказилаётган ислохотларнинг очиклиги ва самарадорлигини таъминлашда уларнинг ролини кучайтиришга қаратилган. Қонун лойиҳасида ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришга доир дастурларни амалга ошириш, гуманитар муаммоларни ҳал қилиш ҳамда мамлакатимиз аҳолиси турли қатламларининг ҳуқуқлари, эркинликлари ва манфаатларини ҳимоя қилишда нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамияти бошқа институтларининг давлат органлари билан ўзаро муносабатлари чегараларини аниқ белгилаш ва ташкилий-ҳуқуқий механизмларини такомиллаштириш назарда тутилган.

Ушбу қонун лойиҳасида ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурларини, шу жумладан тармоқ, минтақавий ва ҳудудий дастурларни, фуқароларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига дахлдор норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ва бошқа қарорларни ишлаб чиқиш ҳамда амалга оширишда давлат органларининг нодавлат нотижорат ташкилотлари билан ўзаро ҳамкорлик тизими сифатида «Ижтимоий шериклик» тушунчасига таъриф берилган.

Савол-жавоблардан кейин қонун лойиҳаси батафсил муҳокама этилди. Муҳокама чоғида барча сиёсий партиялар фракциялари ва Ўзбекистон Экологик ҳаракатидан сайланган депутатлар гуруҳи вакиллари иштирок этдилар.

Муҳокама чоғида билдирилган фикр-мулоҳазаларни инобатга олган ҳолда депутатлар ушбу қонун лойиҳасининг концепциясини маъқулладилар ва уни биринчи ўқишда қабул қилдилар.

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ўз ваколатига тааллуқли бошқа масалаларни ҳам кўриб чиқди.

Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Қонунчилик
палатасининг Ахборот хизмати

АВТОТАШУВЧИЛАР УЧУН СЕМИНАР

Миллий матбуот марказида Тошкент шаҳри ва вилоятидаги автотранспорт корхоналари ходимларини соҳага оид янги меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар билан таништиришга бағишланган семинар бўлиб ўтди.

Ўзбекистон автомобиль ва дарё транспорти агентлиги томонидан ташкил этилган тадбирда вазирлик ва идоралар, Тошкент шаҳри ва вилоятининг туман ҳокимликлари мутахассислари, автотранспорт корхоналари раҳбарлари ва ҳисобчилари, оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Мамлакатимизда ўтказилаётган бундай семинарлар автотранспорт корхоналари ходимларини соҳага тааллуқли меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларга киритилган қўшимча ва ўзгаришлар, янгиликлар билан таништиришга қаратилган. Ўзбекистон автомобиль ва дарё транспорти агентлиги бошлаганин ўринбосари Ш.Шоҳаҳов ушбу тадбирларда ташишлар хавфсизлигини таъминлаш, кадрлар сифатини такомиллаштириш, зарур ҳужжатларни юритиш, белгиланган меъёр ва қоидаларга риоя этиш масалалари батафсил тушунтирилаётганини таъкидлади. Автомобиль воситаларида ташувчилар ўзларини қизиқтирган саволларга жавоб олмақда, мамлакатимиз автотранспорт тизимини янада ислох этиш бўйича таклиф ва тавсиялар билдиришмоқда.

Семинар ташкилотчилари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 5 декабрда қарорига мувофиқ тасдиқланган Автовокзал (автостанция) паспортини бериш тартиби тўғрисидаги низоом мазмун-моҳиятига алоҳида эътибор қаратди. Шунингдек, 2013 йил 10 апрелда янги таҳрирда қабул қилинган «Йўл ҳаракати хавфсизлиги тўғрисида»ги қонун ижросини таъминлаш мақсадида ишлаб чиқилган идоравий ҳужжатлар ҳам тадбир иштирокчилари эътиборига ҳавола этилди. Мазкур ҳужжатлар автотранспорт воситаларига эга корхона ва ташкилотлар жавобгарлигини кучайтириш, йўл ҳаракати хавфсизлиги даражасини оширишга қаратилган.

Автотранспорт корхоналари раҳбарлари ва ходимлари соҳада фаолият кўрсатаётган тадбиркорлар учун яратилаётган қулайликлар ва жорий этилган интерфаол хизматлар билан танишди. Айни пайтда Ўзбекистон автомобиль ва дарё транспорти агентлигининг янги веб-сайти орқали автотранспорт воситаси учун лицензия олишда тўланадиган давлат божи миқдорини ҳисоблаш, ижарага олинадиган транспорт воситасининг амалдаги лицензияси мавжудлигини аниқлаш, бошқа қўллаб маълумотлар олиш ва ҳужжатларнинг электрон шаклидан фойдаланиш мумкин.

Семинар иштирокчиларини қизиқтирган барча саволларга батафсил жавоб қайтарилди.

Сардор ТОЖИЕВ,
ЎЗА муҳбири

Зафар НАЗАРОВ


Юртимизга гўзал ва фусункор баҳор фасли ўз сепини ёйди. Табиат уйғониб, яшилликка бурканмоқда. Албатта, ушбу шукуҳли дамларда шахримизнинг маданият ва истироҳат боғлари ҳам янги мавсумни бошлашга тайёргарлик кўришмоқда.

Фафур Фулом номидаги маданият ва истироҳат боғи ҳамшаҳарларимиз ва пойтахтимиз меҳмонларининг энг сеvimли дам олиш масканларидан бири ҳисобланади. Деярли эллик йиллик тарихга эга ушбу файзли маскан йилдан йилга чирой очиб бормоқда. Айниқса Мустақилликка юз тутганимиздан сўнг ушбу боғда кенг миқёсдаги таъмирлаш-қурилиш ишлари амалга оширилиб, турли-туман маънавий-маърифий йўналишдаги тадбирлар, жумладан, «Навоий бўстони», «Яссавий ўғитлари», «Темур ва Темурийлар» мавзuidaги тадбирлар, «Дўст билан обод уйинг», «Чусок», «Тано», «Сабан тўй» каби дўстлик байрамлари, «Табаррук ёшингиз муборак!», «Қайнонам — онам менинг!», «Бахт тўйингиз муборак!» каби янгича маросимлар, «Соғлом авлод учун» санъат ва спорт байрамлари ўтказила бошланди. Боғда доимий фаолият кўрсатувчи «Карнай-сурнайчилар» жамоаси, «Улугбек юлдузлари» бадий жамоаси ташкил қилинди. Айниқса, «Барҳаёт сиймолар» ва «Эъзоз давраси» туркум тадбирларининг доимий равишда ўтказилиши боққа таширф буюрувларда катта қизиқиш уйғотди.

Кейинги йилларда боққа 8 та янги ўйин қурилмаларининг олиб келиб ўрнатилиши айти мурда бўлди. Биргина ўтган «Обод турмуш йили»да амалга оширилган ишларга назар ташлайдиган бўлсак, режали ва салмоқли юмшлар қўланининг кенглигига ғувоҳ бўламиз. Жумладан, «Маънавий сабоқлари» деб номланган сиёсий-хукукий, маънавий-маърифий, тиббий ва касбий саводхонлик мактаби машғулоти ўтказилди. «Маънавий гулшани» номли анъанавий илмий-амалий, адабий-мусликий қизиқувчилар мулоқоти ҳамда «Мумтоз наволар» даяралари мунтазам равишда ташкил этилди. Айниқса, «Соғлом оила — юрт истиқболи», «Оила шаъни муқаддас», «Оила — муқаддас Ватан», «Оила — жамият таянчи», «Оила — баркамоллик асоси» каби мавзуларда «Ёш оила қурувчилар мактаби»нинг тадбирлари ўтказиш ёшларнинг ҳукукий саводхонлигини ошириш, ёш йигит-қизларни оила қуришга тайёрлаш борасида ўзига хос омил вазифасини ўтади. Бундан ташқари, боғда «Меҳрибонлик» шахар ногиронлар жамияти, «Маҳалла» хайрия жамоат фонди, Чилонзор тумани бўлими, «Камолот» ЁИХ Чилонзор туман Кенгаши, ФХД бўлимлари, Республика «Баркамол авлод» техник ёшлар маркази, Чилонзор туман маданият ва спорт ишлари бўлими, Ўзбекистон Қизил Ярим Ой жамияти шахар ва вилоят бўлимлари, халқаро «Экосан» жамғармаси

ва Табиатни муҳофаза қилиш қўмитасининг шахар бўлими, Байналмилал миллий маданият маркази, Республика халқ ижодиёти ва маданий-маърифий ишлар илмий-методик ҳамда ахборот маркази, Ўзбекистон Журналистлари уюшмаси ва бир қатор мутасадди ташкилотлар билан ҳамкорликда бадий-мусликий кечалар, давра суҳбатлари, ўқувчи ёшлар акцияси, маданий

БОҒЛАРИМИЗ ЯНГИ МАВСУМГА ШАЙЛАНМОҚДА



маърифий тадбирлар, спорт байрамлари ҳамда спартакиадалар кўргазмалари чиқишлар ва умумхалқ байрамлари, сайиллари бўлиб ўтди.

Ушбу боғда бугунги кунда дам олувчиларга барча шароитлари яратиб бериш, ҳамшаҳарларимиз ва пойтахтимиз меҳмонларининг бўш вақтларини кўнгилдагидек ўтказишларини ташкил этиш мақсадида турли жамоа ва бирлашмалар, ишқибозлар уюшмалари ҳамда клублари фаол ишлаб турибди. Масалан, кўп йиллардан буён боғда фаолият кўрсатиб келаётган карнай-сурнайчилар жамоаси ўтказилаётган барча маданий-маърифий, оилавий тадбирларда қатнашиб, ўз ижролари билан дам олувчилар меҳрини қозонмоқда. Шунингдек, боғда ташкил этилаётган барча тадбирлар ўз ижро дастурларини бойитиб келаётган «Улугбек юлдузлари» бадий жамоасисиз ўтмайди. Дам олувчи ёшларнинг энг сеvimли машғулотларига айланган стол теннис клуби ҳам кўп йиллардан буён фаолият кўрсатаётган бўлиб, ушбу клуб томонидан ёшлар ўртасида мусобақалар, турли байрам ва тадбирларга бағишланган спорт ўйинла-

ри ташкил этиб келинмоқда. Соҳа жонқуяри Раҳим Пулатов раҳбарлигида шахмат-шашка клуби машғулоти, кўплаб мусобақалар уюштирилмоқда. В.Григорьева бошқараётган соғломлаштириш гуруҳи ҳам машғулотларини мунтазам ўтказиб келмоқда ва унинг қатнашчилари сони тобора кўпайиб бормоқда. «Чоршанба болалар кўни» бирлашмаси эса ўқувчиларнинг ёзги таътил кунларида турли машғулоти ва қизиқарли тадбирларни ўтказди. Албатта, шахримиздаги бошқа боғлар қатори Фафур Фулом номидаги маданият ва истироҳат боғида «Соғлом авлод йили» муносабати билан ўтказилаётган ранг-баранг тадбирлар режаси ишлаб чиқилди.

— Бунда юртимиз келажаги бўлган болажонлар учун турли қизиқарли мавзу ва кўринишдаги санъат, спорт байрамлари, ёшларнинг билим ва дунёқарашини шакллантирувчи ўйинлар, мусобақалар ва томошалар, маданият ва спорт фестиваллари, халқимиз орасидан етишиб чиқаётган бадий ҳаваскорлар иштирокида кўрик-танловлар ўтказиш, амалий ва бадий ишлар кўргазмаларини ташкил этишга асосий эътибор қаратилади, — дейди биз билан суҳбатда Фафур Фулом номидаги маданият ва истироҳат боғи директори Баҳодир ака Султонов. — Уларни ойма-ой ўтказиб боришни режалаштирдик. Масалан, апрель ойида «Фарзандлари соғлом юрт қудратли бўлур, қудратли элнинг фарзандлари соғлом бўлур» мавзuida санъат ва спорт байрами, май ойида «Соғлом бола — соғлом келахак» спорт мусобақаси, «Талабалар байрами» оммавий мавзудаги талабалар байрами, июнда «Хар бир фарзандга меҳр-эътибор» шiori остида Халқаро болаларни ҳимоя қилиш кўнига бағишланган ҳафталик, июлда «Соғлом оила — соғлом фарзанд» спорт мусобақаси ташкил этилади. Октябр ойида эса Бутунжаҳон ёшлар кўнига бағишлаб «Соғлом бола — келахак пойдевори» мавзuida илмий-адабий давра суҳбати ўтказишни режалаштирганмиз. Албатта, жорий йилда бошқа мавзуларда ҳам ранг-баранг адабий-бадий кечалар, турли-туман тадбирлар ташкил этилади. «Хуш келибсан, ўлкамга Наврўз» Наврўз сайли, Хотира ва Қадрлаш кўнига бағишланган «Аҳддорлар хотираси мангу барҳаёт!» тадбири, Ўзбекистон Республикаси Мустақиллиги байрамга бағишланган «Истиқлолнинг қутлаймиз, обод Ўзбекистоним!» байрам сайли, «Она тилим — жону дилим», «Байроғимиз фахримиз!», «Қомусидан бахт топган диёр!» мавзуларидаги тадбирлар, «Улан айтгани келдик» дўстлик фестивали, «Дўстлик оҳанглари тугсин оламни!» санъат фестивали, «Наволарда аслар садоси» мумтоз қўшиқлар кечаси, турли мавзулардаги кўргазмалар шулар жумласидандир.

Албатта, Фафур Фулом номидаги маданият ва истироҳат боғига таширф буюрган ҳамшаҳарларимиз дам олувчилар учун яратилган барча шарт-шароитлар, юқорида таъкидлаб ўтилган маданий-маърифий дастурлардан баҳра олиб мароқли хордик чикарадовлар

Дилшод ИСРОИЛОВ

ХАЙРЛИ ТАШАББУС

Аёлга эҳтиром кўрсатиш, уни улуғлаш ва ҳурмат қилиш азалий қадриятларимиздан саналади. Бугунги кунда жамиятимизда аёлларнинг ўрни ва ролини ошириш борасида кўплаб ишлар олиб борилмоқда.

бўлган меҳрини қучайтириш ва эъзозлашга даъват этиш мақсадида «Онажон мўътабар» лойиҳаси ишлаб чиқилди, — дейди ҳаракатнинг туман Кенгаши раиси Баҳодир Зиёвдидинов. — Умумтаълим мактаблари ҳамда академик лицей ва касб-хунар коллежларида «Аёлнинг сариштаси» — рўзгорнинг фахриятси» мавзусида туркум тадбирлар ташкил этилди. Шу билан бирга тумандаги барча таълим му-

ассасаларида «Она — ҳаётнинг гули, бола — унинг бўлбули» мавзусида расмлар танлови ўтказиш билан бир қаторда, лойиҳа доирасида умумтаълим мактабларида «Аёл миллатнинг юзи», ўрта махсус ўқув юрларида «Дунё бешигини тебратар Она» мавзуларида иншолар танлови ўтказилди. Таълим муассасаларида узоқ йиллар меҳнат қилган педагоглар ҳолидан хабар олинди.

Лойиҳа доирасидан ўрин олган энг йирик тадбирлардан бири «Аёлни улуғламоқ — оилани, Ватанин улуғламоқ демакдир» мавзусидаги маънавий-маърифий тадбир бўлиб, икки кун давомида туман ҳокимлигида ташкил этилди.

Тадбир ўзбек аёлининг меҳнати, сабр-бардоси, нафосати ва чиройини улуғловчи махсус видеоролик намоиши билан бош-

ланди. Кўтаринки рўхда ўтган тадбир давомида туман «Баркамол авлод» маркази қўшидаги болалар гуруҳлари, «Камалак» юлдузлари танлови голиблари, ўзбек эстрада сии хонандлари, турли танловлар голиблари томонидан куй ва қўшиқлар ижро этилиши билан бир қаторда туман Етақчилар Кенгаши аъзолари орани, аёлни улуғловчи шеърлар ўқишди, «Ўзбекона шоу» байрам дастури намоиш этилди.

Тадбир давомида иштирокчилар билан турли-туман қизиқарли ўйинлар ташкил этилиб, голиб қизларга совғалар тақдим этилди.

Зиёда РАСУЛОВА

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР / РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР / РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

«CAPITAL REALTOR GROUP» МЧЖ очик аукцион савдоларига таклиф этади!

«Capital Realtor Group» МЧЖда 2014 йил 15 апрель кўни соат 11:00 да бўлиб ўтадиган объект бошланғич баҳоси ошиб бориш тартибиде ўтказиладиган очик аукцион савдосига қуйидаги кўчмас мулклар қўйилмоқда:

1. Мирзо Улугбек туман СИБ томонидан, Тошкент вилоят Хўжалик судининг 2013 йил 14 ноябр кўниги 11-1306/8829-сонли ижро варақасига асосан хатланган қуйидаги кўчмас мулклар савдога қўйилган:

1. Чирчик шаҳри, Ш.Рашидов кўчаси, 42-уйда жойлашган, умумий ер майдони 451 кв.м., қурилиш ости майдони 308,56 кв.м. бўлган маъмурий бино ва қорувулхона. Бошланғич нархи — 220 000 000 сўм.

2. Чирчик шаҳри, Ш.Рашидов кўчаси, 42-уйда жойлашган, умумий ер майдони 1221 кв.м., қурилиш ости майдони 997,31 кв.м. бўлган омборхона биноси. Бошланғич нархи — 480 000 000 сўм.

3. Тошкент шаҳри, Мирзо Улугбек тумани, Жасорат кўчаси, 2-4-уйда жойлашган, ер майдони 1331 кв.м., қурилиш ости 1070,40 кв.м., умумий фойдаланиш майдони 609,46 кв.м. бўлган ўй-жой. Бошланғич нархи — 1 425 000 000 сўм.

II. Юнусобод туман СИБ, Фуқаролик ишлари бўйича Мирзо Улугбек туманлараро судининг 2013 йил 19 декабрь кўниги 1-6713/13-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, Кичик халқа йўли кўчаси, 36-уй, 11-хонадада жойлашган, умумий майдони 39,90 кв.м. бўлган нотурар жой. Бошланғич нархи — 72 087 000 сўм.

2014 йил 1 апрель кўни соат 11:00 да бўлиб ўтадиган аукцион савдосига қуйидаги кўчмас мулклар тақдоран қўйилмоқда:

1. Сергели туман СИБ томонидан, ЖИБ Олмазор туман судининг 2013 йил 8 октябр кўниги 1-764/13-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент шаҳри, Сергели тумани, Массон кўчаси, 1-уйда жойлашган, қуйидаги кўчмас мулклар савдога қўйилган:

1. Блок «А», умумий майдони 4914 кв.м. бўлган маъмурий бино. Бошланғич нархи — 2 177 064 750 сўм.

2. Блок «А1», умумий майдони 54 кв.м. бўлган ўтиш биноси. Бошланғич нархи — 16 135 919 сўм.

3. Блок «А2», умумий майдони 413 кв.м. бўлган идора биноси. Бошланғич нархи — 8 833 723 сўм.

4. Блок «А3», умумий майдони 486 кв.м. бўлган идора биноси. Бошланғич нархи — 89 147 398 сўм.

5. Блок «В», умумий майдони 15145 кв.м. бўлган ишлаб чиқариш цехи. Бошланғич нархи — 7 081 712 222 сўм.

6. Блок «Г», умумий майдони 468 кв.м. бўлган нейт-

раллаш биноси. Бошланғич нархи — 103 268 682 сўм.

7. Блок «Д», умумий майдони 702 кв.м. бўлган цех биноси. Бошланғич нархи — 82 955 561 сўм.

8. Блок «Е», умумий майдони 1080 кв.м. бўлган омборхона биноси. Бошланғич нархи — 343 469 433 сўм.

9. Блок «Ж», умумий майдони 1891 кв.м. бўлган омборхона биноси. Бошланғич нархи — 1 027 216 664 сўм.

10. Блок «Ж1», умумий майдони 111 кв.м. бўлган усти ёпиқ жой. Бошланғич нархи — 11 324 268 сўм.

11. Блок «З», умумий майдони 2684 кв.м. бўлган иссиқхона биноси. Бошланғич нархи — 485 593 187 сўм.

12. Блок «К», умумий майдони 170 кв.м. бўлган идора биноси. Бошланғич нархи — 62 530 262 сўм.

13. Блок «М», умумий майдони 34 кв.м. бўлган қозонхона биноси. Бошланғич нархи — 13 209 800 сўм.

14. Блок «Н», умумий майдони 106 кв.м. бўлган омборхона биноси. Бошланғич нархи — 35 938 140 сўм.

15. Блок «О», умумий майдони 1495 кв.м. бўлган савдо дўкони биноси. Бошланғич нархи — 2 182 550 784 сўм.

16. Блок «П», умумий майдони 298 кв.м. бўлган компрессор биноси. Бошланғич нархи — 127 427 978 сўм.

17. Блок «П1», умумий майдони 116 кв.м. бўлган усти ёпиқ жой. Бошланғич нархи — 9 861 975 сўм.

18. Блок «П2», умумий майдони 62 кв.м. бўлган усти ёпиқ жой. Бошланғич нархи — 5 341 336 сўм.

19. Блок «Р», умумий майдони 409 кв.м. бўлган насосхона биноси. Бошланғич нархи — 159 250 779 сўм.

20. Блок «Р1», умумий майдони 128 кв.м. бўлган усти ёпиқ жой. Бошланғич нархи — 10 301 796 сўм.

21. Блок «С», умумий майдони 1728 кв.м. бўлган вентилляция биноси. Бошланғич нархи — 981 922 489 сўм.

22. Блок «Т», умумий майдони 576 кв.м. бўлган цех биноси. Бошланғич нархи — 125 213 861 сўм.

23. Блок «Т1», умумий майдони 52 кв.м. бўлган омборхона биноси. Бошланғич нархи — 18 026 218 сўм.

24. Блок «Т2», умумий майдони 128 кв.м. бўлган усти ёпиқ жой. Бошланғич нархи — 47 489 015 сўм.

25. Блок «Т3», умумий майдони 96 кв.м. бўлган усти ёпиқ жой. Бошланғич нархи — 5 692 669 сўм.

26. Блок «Ф», умумий майдони 18 кв.м. бўлган қорувулхона биноси. Бошланғич нархи — 44 595 535 сўм.

27. Блок «Х», умумий майдони 720 кв.м. бўлган омборхона биноси. Бошланғич нархи — 348 585 952 сўм.

28. Блок «Ц», умумий майдони 128 кв.м. бўлган чилангар биноси. Бошланғич нархи — 33 503 233 сўм.

29. Блок «Ч», умумий майдони 603 кв.м. бўлган омборхона биноси. Бошланғич нархи — 176 867 800 сўм.

30. Блок «Ч3», умумий майдони 83 кв.м. бўлган омборхона биноси. Бошланғич нархи — 21 266 717 сўм.

31. Блок «Ш», умумий майдони 14 кв.м. бўлган ёрдамчи бино. Бошланғич нархи — 2 228 177 сўм.

32. Блок «Э», умумий майдони 102 кв.м. бўлган усти ёпиқ жой. Бошланғич нархи — 8 324 867 сўм.

33. Блок «Ю1», умумий майдони 191 кв.м. бўлган усти ёпиқ жой. Бошланғич нархи — 17 320 802 сўм.

34. Блок «Ю3», умумий майдони 2684 кв.м. бўлган усти ёпиқ жой. Бошланғич нархи — 173 700 782 сўм.

II. Чилонзор туман СИБ томонидан, ЖИБ Тошкент шаҳар судининг 2012 йил 13 августдаги 1-83-2012-сонли ижро варақасига асосан хатланган қуйидаги кўчмас мулклар тақдоран арзонлаштирилган нархларда савдога қўйилган:

1. Тошкент шаҳри, Сергели тумани, Янги Сергели кўчаси, Автомажма, 11/2-қаторда жойлашган, умумий майдони 18,0 кв.м. бўлган, 16-савдо дўкони. Бошланғич нархи — 52 756 200 сўм.

2. Тошкент шаҳри, Сергели тумани, Янги Сергели кўчаси, Автомажма, 13/2-қаторда жойлашган, умумий майдони 18,0 кв.м. бўлган, 20-савдо дўкони. Бошланғич нархи — 52 756 200 сўм.

3. Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани, Кичик халқа йўли кўчаси, 22В-уйда жойлашган, 2 қаватли бинадан иборат, умумий майдони блок «Б» 1288,0 кв.м. бўлган, «Автосалон, автомобилларга техник хизмат кўрсатиш ва ювиш, савдо маиший хизмат кўрсатиш мажмуаси». Бошланғич нархи — 1 581 570 900 сўм.

Қўриқдаги кўчмас мулклар билан тегишли суд ижрочилари бўлими вакиллари иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан аризалар ҳафтаинг расмий иш кунлари соат 10:00 дан 18:00 гача қабул қилинган ва савдолар бошланишига бир иш кўни қолганда соат 17:00 да тўхтатилади. Аукцион савдосида қатнашиш истагиде бўлган талабгорлар кўчмас мулк бошланғич баҳосининг 10% миқдоридан кам бўлмаган закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда хар бир мулк учун алоҳида тартибда савдо ташкилотчиси — «Capital Realtor Group» МЧЖнинг «Капиталбанк» ОАТБ Мирзо Улугбек филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: № 2020800020492751003, МФО: 01018, СТИР: 207126662. Манзил: Тошкент шаҳри, Қўшбеги кўчаси, 18-уй. Телефон: (8371) 250-19-24. Лицензия: № РА-0017.

Музейларда

АМАЛИЙ САНЪАТ ДУРДОНАЛАРИ

Мамлакатимизнинг бой миллий маданиятининг муҳим ўзига бу халқ бадий ҳунармандчилигидир. Ёғоч ва ганч ўймакорлиги, наққошлик, уй анжонлари ва меъморчилик қосинкорлиги, қандакорлик ва заргарлик санъати, мато тўқиш ва попопчилик, каштачилик, зардўзлик ва бошқа амалий бадий безак санъат турларида ижодкорларнинг дунёқараш, дида, нозик ва юксак маҳорати акс этади.

Шаҳримиздаги мўъжазгина Ўзбекистон Амалий санъат музейида ана шу санъат турларининг ёрқин намунасини кўриш мумкин. Мазкур бино 1870 йилда қурилган. 1896-1904 йилларда қайта таъмирланган ва безатиш ишлари олиб борилган. Унда тошкентлик ёғоч ва ганч ўймакорлари, наққошлар, куллоллар, халқ усталари Шерали хўжа Ҳасанов, Арслонкул Назаров, Тошпўлат Арслонқуллов, Олимжон Қосимов, қўнқонлик Норқўзи Нурматов, риштонлик кулол Усто Абдулло, марғилонлик Умурзоқ Аҳмедовлар фаол иштирок қилганлар. Усталарнинг қўл меҳнатлари ва иқтидори туфайли музей янада кўркам кўринишга эга бўлган.

Музей биноси ўзига хос архитектура ва бадий безак санъатининг ёрқин намунасидир, марказий зали эса, бой архитектура безагига эга.

Ушбу масканда илк бор 1927 йилда Ўзбекистон уста ҳунармандларининг кўргазмаси бўлиб ўтди, кейинчалик эса «Ўзбекистон халқ ҳўжалиги кўргазмаси» номини олган.

Кўргазма йил сайин экспонатлар билан бойитиб борилиб, ҳунармандчиликнинг қадимий намуналари, қўл каштаси, дўпчалар, заргарлик ва бошқа амалий санъат ижод намуналари билан тўлдирилган. Шу тариқа 1937 йил Миллий ҳунармандчилик музейи очилди.

1960 йилда эса Амалий санъат кўргазмаси деб номланди. 1997 йилда ушбу муассаса Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги тасарруфига ўтказилди ва Ўзбекистон амалий санъат музейи мақомига эга бўлди.

Музей экскурсия, фондлар, илмий-тадқиқот, кўргазма ва экскурсия бўлимларига эга. 2002 йилда Япония мамлакати томонидан музейга аудиовизуал жиҳоз ва витриналар мажмуаси тўхфа қилинган.

Ҳунармандчилик маҳсулотларининг халқ турмушида кенг қўлланилиши унинг халқчил санъат турига айланиб кетишига хизмат қилади, — дейди Ўзбекистон Амалий санъат музейи директори вазифасини бажарувчи Зухра Холиқова. — Бу санъат турлари ўзининг жозибдорлиги ва ранг-баранглиги билан томошабинини ром этади. Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги томонидан музейимиз янги, замон талабларига жавоб берадиган асбоб-ускуналар билан таъминланди. Бу эса аҳолига хизмат кўрсатиш сифатининг яхшиланишига олиб келди. Асосий эса масканимиз инсонларнинг маънавий оламини бойитишда, онг ва тафаккурининг қарқанлишида муҳим омил бўлиб хизмат қилмоқда.

Дарҳақиқат, ушбу музей ўзига хос нуфузга эга. Бу ерда турли давлат делегациялари, сайёҳлар юксак савияда кутиб олинади. Уларга намунали хизмат кўрсатиш юзасидан Ўзбекистон Амалий санъат музейи фонднинг Давлат электрон каталоги, «SKM-muzeu» дастури ҳам ишлаб чиқилган.

Истиқлол шарофати билан музей кўплаб янги экспонатлар билан тўлдирилди. Бу ерда турли хил кўргазмалар, тадбирлар, ижодий учрашувлар тез-тез ўтказиб турилади. Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, Ўзбекистон Амалий санъат музейи ҳамюртларимизнинг маданий ҳаётида ўзига хос ўрин эгаллайди.

Зариф НИЁЗОВ

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

ШАХРИМИЗ АҲОЛИСИ ДИҚҚАТИГА!

«Тошкент шаҳар Ер тузиш

Пойтахтимизнинг Яккасарой туманида яшовчи Фафур 6-синф ўқувчиси бўлишига қарамай, анча ўйинқароқ эди. Оиласидаги муҳит сабабми, у вақтини асосан кўчада ўтказар ёки кўни-қўшниларникида кундалик юмушларга ёрдам бериб юрарди. Бу пайтда болакай ўзини анча сипо тутар, бироқ у келган хонадонда, албатта, бирор нарса йўқолишига маҳалла аҳли кўникиб қолганди.

2014 йил — Соғлом бола йили

ҲАР БОЛА — БИР ОЛАМ

Фафур эрталаб сумкасини кўтариб чиқиб кетса-да, мактабга онда-сонда борар, бу ҳақда ота-онаси сурштиргудек бўлса, ёлгонни тўкиб-бичарди. Мактабда ўқитувчиларнинг сўроқларига «Мазам йўқ эди, уйда ётгандим», дея жавоб беради. Уй вазибаларини деярли бажармасди. Тоқати тоқ бўлган муаллимлар бу муаммодан унинг ота-онасини бир неча бор огоҳ этишди. Аммо ногирон ота ва бемор она бундай ўғилни қандай жилайди?

Мавжуд аҳволдан хабардор бўлган маҳалла оқсоқоли ва бошқа фаолларнинг боши қотди. Муаммони ҳал этишда шундай йўл топиш керакки, ёш бола қалби синмасин, балки эзгу орзулар рўёбига хизмат қилсин... Бамаслаҳат ана шу йўл топилди. Бугун Фафурнинг ўқишлари яхши, тўғрақларга қатнамоқда.

Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида ёш авлоднинг ҳар томонлама баркамол инсонлар этиб вояга етказишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. «Оила — маҳалла — таълим муассасаси» ҳамкорлиги айна шу мақсадни рўёбга чиқаришда муҳим омиллардандир. Зеро, Юртбошимиз «Юксак маънавият — енгилмас куч»

асарида ёшлар таълим-тарбияси ҳақида тўхталар экан, у кенг жамоатчилик, бутун халқимизнинг иштироки ва қўллаб-қувватлашни талаб қиладиган умуммиллий масала эканлигини таъкидлайди. Бироқ аҳолини аниқ манзилли ижтимоий ҳимоя қилиш, оилаларда тотувлиқни таъминлаш, ёшлар билан ишлаш, вояга етмаганлар назоратсизлиги ҳамда ҳуқуқбузарлиги профилактикаси борасида турли ташкилотлар билан самарали ҳамкорликни амалга оширишда маҳалла фаолларидан юксак маҳорат, бошқарувчилик салоҳияти талаб этилади.

Шу боис юртимизда маҳалла фаолларининг билим ва малакасини тизимли равишда ошириб бориш йўлга қўйилган. Давлатимиз раҳбарининг 2013 йил 10 октябрдаги «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ходимларининг малакасини ошириш бўйича ўқув курсларини ташкил этиш тўғрисида»ги Қарори бу борадаги ишларни янги босқичга кўтаришда дастуруламал бўлаётди. Қарор асосида Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари ҳузурида маҳалла фуқаролар йиғинлари ходимларининг ўқувлари йўлга қўйилди.

Маҳалла, қишлоқ фуқаролар йиғини ходимлари малакаси, касб кўникмалари, ҳуқуқий билимининг оширилиши ёшларни маънавий-ахлоқий тарбиялаш, касбга йўналтириш, ҳудудда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик, оилавий бизнесни ривожлантириш, аҳолини манзилли ижтимоий қўллаб-қувватлаш, жамоатчилик назоратини кучайтиришда муҳим омил бўлиб хизмат қилади. Бундан ташқари, фуқаролар йиғинларининг давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари билан ижтимоий шериклик механизмларини ривожлантиришга имконият яратеди.

Яқинда Тошкент шаҳар ҳокимлиги ҳузурида ташкил этилиб, юқори малакали мутахассислар томонидан замонавий ахборот-коммуникация технологиялари асосида олиб борилган ҳафталик ўқувда Яккасарой туманидаги Яккасарой маҳалласи оқсоқоли Рустам Мухамедов ҳам иштирок этди.

Ахборот алмашинуви ҳамда турли соҳаларда интеграциялашув жараёни тобора фаоллашган бугунги даврда ҳар қандай соҳа ривожига малакали кадрлар салоҳиятига боғлиқ, — дейди «Яккасарой» маҳалла фуқаролар йиғини раиси Р.Мухамедов. — Шу маънода фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органлари ходимларининг малакасини ошириш айна муддао бўлмоқда. Ўқув курсининг самарасини ўз фаолиятимизда яққол кўраётимиз.

Халқимизда «Бир болага етти маҳалла ота-она» деган нақл бежиз айтилмаган. Ҳар бола — бир олам. Бу оламнинг ичкарасига кириш, сир синопатини англаш кишидан юксак маънавият, билим ва тажриба талаб этади. «Оила — маҳалла — таълим муассасаси» ҳамкорлиги келажагимиз эгалари бўлган ёш авлод бахту саодати учун янада кўпроқ ҳисса қўшишга хизмат қилади.

Дилшод КАРИМОВ,
ЎЗА мухбири

Спорт янгиликлари

ТЕРМА ЖАМОА ШАКЛЛАНТИРИЛАДИ

Пойтахтимиздаги «Чорсу» бадминтон клубида бадминтон бўйича турли ёш тоифаларидаги спортчилар ўртасида Ўзбекистон чемпионати ўтказилди.

Тошкент шаҳри ҳамда мамлакатимиз вилоятларидан келган бадминтончилар ўртасида уюштирилган мусобақа қизиқарли кечди. Юртимиздаги 100 нафар бадминтон устаси қатнашган турнирда асосий медалларга пойтахтликлар даъвогарлик қилишди.

Эркаклар ўртасида ҳамшаҳримиз Темури Каримов шохсупанинг энг юқори поғонасига кўтарилган бўлса, аёллар баҳсларида Мария Вакинага тенг келадиган рақиб топилмади.

Жуфтлик беллашувларида Артём Сиватюкин билан бирга ҳаракат қилган Темури Каримовга яна омад кулиб бокди. Бу жуфтлик мусобақа ғолиби бўлди.

Аралаш жуфтлик беллашувларида эса Марина Пайнина — Алишер Холмировлар билан барчадан маҳоратли эканликларини исботлаб биринчи ўринни эгаллашди.

Энди Ўзбекистон чемпионатида ғолиб ва совриндор бўлган спортчилар бадминтон бўйича халқаро миқёсда ўтказиладиган нуфузли турнирларда терма жамоа сафида юртимиз шарафини ҳимоя қилишди.

Ақбар ЙЎЛДОШЕВ



Сарвар Ўрмонов (ЎЗА) олган сурат

Тошкент Темир йўл муҳандислари институтида «Шахмат — ақл гимнастикаси» мавзусида тадбир бўлиб ўтди. Халқаро гроссмейстер Нафиса Мўминова билан учрашувда институтнинг профессор-ўқитувчилари ва талабалар иштирок этишди.

Тадбир Юртбошимизнинг «Ўзбекистон Республикасида 2014 йилда ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишга қаратилган кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарорида белгиланган вазифалар — иқтидорли ёшларни қўллаб-қувватлаш, иқидий ва интеллектуал салоҳиятини рўёбга чиқариш; аёлларнинг жамиятдаги мавқеи ва ўринини ошириш каби дастуруламал ишлар икроси доирасида ўтказилди.

Мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотларда ёшларнинг фаол иштирокини таъминлаш, юксак маънавият, мушқил эркин фикрлай оладиган баркамол авлодни вояга етказиш муҳим вазифалардан биридир, — дейди Тошкент Темир йўл муҳандислари институти проректори Ботир Зокиров. — Ёшларимиз ўртасида фан, таълим, маданият, спорт ва бошқа соҳаларда ўтказилаётган Халқаро ва Республика миқёсидаги мусобақа ва танловларда юқори натижаларга эришиб, тенгдошлар

Тадбирлар

ШАХМАТ — АҚЛ ГИМНАСТИКАСИ

рига намуна бўлаётган иқтидорли талабалар кўп. Бугунги кунда спортнинг шахмат тури бўйича мамлакатимиз шарафини халқаро мусобақаларда муносиб ҳимоя қилиб келаётган Урта Осиёдаги биринчи аёл гроссмейстер Нафиса Мўминова ёш бўлишига қарамайдан катта ютуқларга эришди. Бунинг замирида эса машаққатли меҳнат мужассам...

Дарҳақиқат, юрагида Ватан туйғуси жўш уриб турган Нафиса сингари ўзбек қизларининг спорт соҳасидаги ютуқлари эътирофга сазовордир.

Талабалар томонидан берилган қизиқарли саволларга Нафиса Мўминова, унинг отаси, биринчи мураббийси Алишер Мўминов томонидан батафсил жавоб қайтарилди.

Тадбир сўнида Нафиса Мўминова бир пайтнинг ўзида 10 та шахмат тахтасида институт жамоаси билан бир марталик сеанс ўтказди. Сеансда олий математика кафедраси ўқитувчилари, талабалар ҳамда бошланғич синф ўқувчилари иштирок этди.

Ҳабиба ЙЎЛДОШЕВА

Танловлар

БУНЁДКОР ЁШЛАР — ИЛЛАТЛАРГА ҚАРШИ

Тошкент Фотосуратлар уйида Камолитдин Бехзод номидаги Миллий рассомлик ва дизайн институти ташаббуси билан Ўзбекистон Бадний академияси, «Экосан» халқаро жамоатчилик фонди, Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, республика Маънавият тарғибот маркази ҳамда «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати билан ҳамкорликда «Биз бунёдкор ёшларимиз — иллатларга қаршимиз» кўрик-танлови ўтказилди.

Маълумки, бугунги кунда бутун дунёда атроф-муҳит, экология, табиатни муҳофаза қилиш, Орол денгизи ва Оролбўйи муаммолари долзарб масалалар қаторидан ўрин олган, ОИТС, одам савдоси, гиёҳвандлик, ичкикичилик, қашандалик каби иллатлар аср вабосига айланиб бормоқда. Бу каби муаммолардан қўллаб одамлар азият чекади. Шу сабабли ҳам танлов иштирокчилари — талабалар юқоридаги муаммоларнинг оқибатларини «Устоз-шогирд» тизимида тайёрланган ўзларининг ижодий ишлари орқали акс эттиришга интилашлар. Танловда Камолитдин Бехзод номидаги Миллий рассомлик ва дизайн институти талабаларининг кўргазмага қўйган ижодий ишларида атроф-муҳит муаммолари ва қашандаликнинг одам саломатлигига зарарли таъсири, гиёҳвандликнинг нақадар зарарли иллат экани, соғлом бола, соғлом турмуш тарзи ва бошқа қатор масалалар акс эттирилган. Ёшларнинг тақдим этилиб, экспозициядан ўрин олган ишлари орасида «Ўйлаб кўр», «Болаларни соғлом ўстирамиз», «Болалар ўйинчоғи эмас», «Табиатни асраш барчамизнинг бурчимиз», «Спиртли ичимлик нафақат ўзининг, оилангнинг, ҳам хароб қилади», «Виджон борми?», «Тубанлик пиллапояси» каби ижод намуналарини кўриш мумкин.

Ўз ижодий ишлари билан танловда фаол иштирок этиб, совринни ўринларини эгаллаган талабалар ташкилотчилар томонидан дипломлар, эсдалик совгалари ва сертификатлар билан тақдирланди.

Шуни айтиш керакки, бундай тадбирлар ёшлар қалбига ватанпарварлик туйғусини кучайтиришга, уларнинг миллий-маънавий қадриятлар руҳида баркамол инсон бўлиб вояга етишида, соғлом турмуш тарзини шакллантиришга, она юртимизни турли хил ҳуружлардан асраш йўлида ёшларни бирлаштиришга, халқимизда, айниқса, ёшларимизда салбий одатлар ва иллатларга қарши имунитет ва юксак маънавиятни шакллантиришга хизмат қилади.

Ҳасан АБДУНАЗАРОВ

Ўқинг, қизик

ТАБИАТНИНГ ЯШИЛ ТУХФАСИ

Дарактлар Ер юзидаги тирик организмлардан энг йириги ва энг баланди бўлиб, мураккаб ҳаёт кечиради. Озиқ-овқат ва ёғоч манбаи бўлгани боис, қадим-қадимдан кишилик жамияти дарактлардан унумли ва оқилона фойдаланиб келмоқда. Айни пайтда табиатнинг яшил хилқатлари миллиардлаб тоннадаги кислородни бизга ҳаёда этиши билан ҳам ардоқлидир. Сайёрамизнинг тинч ва сокин жойларидан ўсувчи дарактлар ҳозирги кунга қадар олимларни қизиқтиради ва улар бу ўсимликнинг янги турларини кашф этишмоқда.

Осмон билан бўйлашади

Шимолий Калифорниядаги денгиз қирғоқларида Ер юзидаги энг узун ҳисобланган дарактлар ўсади. Туманли иқлимга мослашган игнабаргли Секвоя дарактнинг баландлиги 110 метрдан ҳам зиёд бўлган. Қачонлардир сайёрамизда бундан ҳам улкан дарактлар кўкка бўй чўзгани эҳтимолдан холи эмас. 1885 йили Австралияда ерга қулаб тушган эвкалипт даракти улканлиги ва сервикорлиги билан маҳаллий аҳолини ҳайратга солган эди. Бу дарактнинг узунлиги 140 метрдан кам бўлмаган. Аммо бир қанча дендрологлар, яъни дарактшунос олимлар эвкалиптининг узунлиги 175 метргача борганини, бошқача айтганда, 25 қаватли бино баландлигига тенг бўлганини айтишган. Дарактнинг тепага қараб ўсишини таъминлайдиган бир қанча омиллар бўлса-да, уларга салбий таъсир кўрсатувчи табиий офатлар ҳам йўқ эмас. Масалан, замбуруғлар билан озиқланиш, қурғоқчилик ёки кучли совуқ дарактга бўй ва салобат бағишлайди, чакмоқ ва довулдан эса улар ҳимоялана олмаслиги мумкин.

Турлари...

Ер юзида ўсувчи дарактларнинг барчаси икки гуруҳга мансубдир. Биринчи гуруҳга қирувчилар игнабаргли бўлиб, уруғлари гўдда кўринишини олади. Аксарият игнабаргли дарактлар кишин-ёзин яшил тусда бўлиб, япроқлари тангачасимон ва игнасимон кўриниш касб этади, улар жуда тез ўсади. Кўпгина игнабаргли дарактлар ўрмон ҳўжалигида қимматбаҳо материал эканлиги сир эмас. Агар игнабарглиларнинг 550 хили мавжудлиги ҳисобга олинса, бу рақамни дунёдаги бошқа дарактлар сони билан солиштиришнинг ҳолати қолмайди. Игнабарглилар шўнчалик кўп тарқалганига қарамай, барча мамлакатларда уларни чиroyли манзараси учун сунъий равишда кўкартиришга аҳамият берилади.

Иккинчи гуруҳга эса турли-туман шаклдаги япроқ билан қопланувчи турлар киради. Бу хилдаги дарактларнинг гуллари шамол ёки ҳашаротлар воситасида чангланади. Тропик ўлкаларда баргли дарактлар доимий яшил кўринишда бўлиб, ёзининг қуруқ ва қишнинг совуқ хавосида ўз япроқларини ерга тўқади. Дунё бўйича 10 мингта баргли даракт турлари аниқланган.

Улар қандай ўсади?

Минг, ҳаттоки, уч, беш минг йил яшайдиган дарактлар бор. Улар жуда муштаккам ва чидамли бўлиб, аксарият бутун ҳаёти давомида ўзига хос кўриниш касб этиш баробарида йилдан йилга бақувватлашиб боради. Тропик ўлкалардаги дарактлар йилига 5 метр ўсадики, бу тахминан инсоннинг ўсмирлик давридаги ўсиш жараёнидан 100 баравар тезроқдир. Ер қуррасининг бошқа ҳудудларида дарактлар жуда секин ўсади, аммо баҳорда уларнинг ҳам ўсиш жараёни 1 метрдан кам бўлмайди.

Пўстлоқ остки қатлами ёки камбия

Дарактлар факат бўйига ўсади, деб ўйлаш хато фикр. Улар айна пайтда энига ҳам ўсади. Тананинг йўғонлашуви ва шохларнинг пайдо бўлиши камбия (ўсимлик пўстлоғи остидаги бўлинувчан ҳужайралардан иборат тўқима)лар ҳисобига рўй беради. Камбиялар пўстлоқ тагига жойлашадилар ва даракт танаси ва шохларининг кўзга кўринмас плёнка билан қопланишига имкон туғдиради. Даракт танаси йўғонлашгани сайин камбия ҳужайралари бўлина бошлайди. Ички томондан улар ҳужайраларга бўлинса-да, ташқи, яъни ёғочга айланаётган қисмида пўстлоқнинг янги ҳужайралари ҳосил бўлади. Тана йўғонлашши билан эскирган пўстлоқлар кўчиб тушаверади. Камбиялар тана баландлигидан анча орқада қолади, чунки у ерда ёғочнинг энг ёш пўстлоқ остки қатлами жойлашади. Унинг таркибида эса илдиздан тортиб, япроқча ҳаракатланадиган минерал моддалар мавжуд. Шу боисдан ҳам бу «худуд» нам ва сирпанчик кўринишда бўлиб, йилдан йилга пўстлоқ остки қатлами ўзгариб туради.

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР / РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР / РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

ТОШКЕНТ ШАҲАР МИРЗО УЛУҒБЕК ТУМАНИ УЛУҒБЕК ШАҲАРЧАСИДА ЖОЙЛАШГАН КОРХОНА ВА ТАШКИЛОТЛАР ДИҚҚАТИГА!

«Qurilish ta'mirlash xizmat ko'rsatish boshqarmasi» (ҚТХКБ) энергия ташувчи муҳит нархи ошиши муносабати билан 2014 йил 1 апрелдан бошлаб корхона ва ташкилотлар учун иссиқлик энергияси тарифи ҚҚС сиз 36861 сўм/Г кал, ҚҚС билан 44233-20 сўм/Г кал миқдоридида белгиланишини маълум қилади.

УЛУҒБЕК ШАҲАРЧАСИ АХОЛИСИ ДИҚҚАТИГА!

ҚТХКБ Улуғбек шаҳарчаси аҳолиси эътиборига шуни маълум қиладики, энергия ташувчи муҳит нархи ошиши муносабати билан 2014 йил 1 апрелдан бошлаб марказлашган иссиқлик ва иссиқ сув таъминоти учун қуйидаги ойлик тариф (нарх)лар белгиланади:

- марказий иситиш — 765-64 сўм/м²/ой (турар жой майдони);
- иссиқ сув ҳисобга олувчи асбоблар бўлмаганда 6561-26 сўм/киши/ой;
- иссиқ сув ҳисобга олувчи асбоб бўлган тақдирда 1935-20 сўм/м³



МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР
ҲОКИМЛИГИ



Манзилимиз: 100029,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32

Бизнинг электрон манзил:
vto2007@mail.uz

Буюртма Г- 356

ТЕЛЕФОНЛАР:
Эълопнар: 233-28-95,
факс: (371) 232-11-39

Душанба, сешанба, чоршанба,
пайшанба ва жума кунлари чиқади
Нашр кўрсаткичи — 563

2007 йил 19 январда Тошкент шаҳар
Матбуот ва ахборот бошқармасида
02-1-рақам билан рўйхатга олинган

Ҳажми — 2 босма табоқ, офсет усулида босилади.
14170 нусхада босилди.
Қоғоз бичими А-2

Топшириш вақти: 13.00

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки
«Тошкент почтаменти»га — 233-74-05 телефонига мурожаат қилишнинг мумкин.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди

«Шарқ» наشريёт-матбаа акциядорлик
компанияси босмахонаси. Корхона
манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй

Бош муҳаррир
Акмал АҚРОМОВ